

Ўзбекистон Республикаси номидан
Х У К М

2024 йил декабрь ойининг 23 куни, жиноят ишлари бўйича Асака туман суди, ўз биносида, очик суд мажлисида, раислик қилувчи судья Ш.Раимова, судья ёрдамчиси А.Махмудовнинг суд мажлиси котиблигида, тарафлардан Асака туман прокурори ёрдамчиси А.Нурмухамматов, судланувчи Н.Яқубов ва унинг ҳимоячиси адвокат Ш.Парпиев, судланувчилар [REDACTED] ва [REDACTED] ҳамда уларнинг ҳимоячиси адвокат Ш.Мамажонов, фуқаровий даъвогар вакили [REDACTED], жабрланувчилар [REDACTED], [REDACTED] ларнинг иштирокида, [REDACTED] ларга нисбатан 1-1703-2403/395-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

[REDACTED]) 1988 йил 29 апрелда куни Асака туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 1 нафар фарзанди бор, ишсиз, муқаддам судланмаган, Асака тумани, [REDACTED], рақамсиз уйда яшайди, муносиб ҳулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2024 йил 20 ноябрь куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 229¹-моддаси 2-қисми билан айбланган.

[REDACTED]) 1985 йил 24 февралда Асака туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 1 нафар фарзанди бор, ишсиз, муқаддам судланмаган, Асака тумани, [REDACTED] яшайди, муносиб ҳулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2024 йил 20 ноябрь куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “а” банди, 228-моддаси 1-қисми, 228-моддаси 3-қисми билан айбланган.

[REDACTED]) 1975 йил 16 августда Асака туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 3 нафар фарзанди бор, ишсиз, муқаддам судланмаган, [REDACTED]



██████████, рақамсиз уйда яшайди, муносиб ҳулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2024 йил 20 ноябрь куни олган, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “а” банди, 228-моддаси 1-қисми, 228-моддаси 3-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчилар, фуқаровий даъвогар вакили, жабрланувчилар ва гувоҳларнинг кўрсатувларини, тарафларнинг музокара сўзларини, судланувчиларнинг музокара ва охириги сўзларини тинглаб, ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

██████████ да жойлашган Асака тумани “Юлдузхон мева боғи” боғдорчилик фермер хўжалиги фойдаланувидаги “Шарқ ҳақиқати” массиви хўжалиги харитасининг 479-контуридаги 52.0 балл бонитетли суғориладиган ер туркумига кирувчи 0,06 гектар ер майдонини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-5742 сон фармонига зид равишда ўзбошимчалик билан эгаллаб, 2021 йил апрель ойида ушбу ер майдонининг 0.022 гектар ер қисмига уй-жой қурилиш ишларини амалга ошириб, суғориладиган ерни қишлоқ хўжалиги муомаласидан чиқариб давлат манфаатларига 17.834.905 сўм миқдорда моддий зарар етказган.

██████████ 2021 йил июнь ойида ██████████ ни алдаш ва ишончини суиистеъмол қилиш йўли билан унга Асака тумани ██████████ худудидаги “Шарқ ҳақиқати” массивининг қишлоқ хўжалиги харитасининг 480-контуридаги “Юлдузхон мева боғи” фермер хўжалигини балансида бўлган суғориладиган экин ер майдонининг 0,07 гектар қисмини 7.000 АҚШ долларига (1 АҚШ долларининг сўмга нисбатан қиймати 11.460 сўм бўлиб, 7.000 АҚШ доллари 80.220.000 сўмни ташкил қилади) сотиб юбориб, унинг анча миқдордаги пулларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритган.

Бундан ташқари ██████████ 2021 йил июнь ойида Асака тумани, Юқори бўз МФЙ худудидаги “Шарқ ҳақиқати” массивининг қишлоқ хўжалиги харитасининг 480-контуридаги 52 балл бонитенга эга бўлган “Юлдузхон мева боғи” фермер хўжалигини балансида бўлган суғориладиган экин ер майдонининг 0,07 гектар қисми ██████████ номига берилгани ҳақидаги расмий ҳужжат бўлган Асака тумани ҳокимининг 2020 йил 19 сентябрдаги 623-сон қарори ва унинг иловасини қалбакилаштирган.

██████████ 2022 йил июнь ойида Р ██████████ алдаш ва ишончини суиистеъмол қилиш йўли билан унга Асака тумани, ██████████ худудидаги “Шарқ ҳақиқати” массивининг қишлоқ хўжалиги харитасининг 482-контуридаги суғориладиган экин ер майдонини 0,062 гектар қисмини кадастр ҳужжатларини қилиб беришини айтиб, алдаб, унинг кўп миқдордаги



120.624.000 сўмни ташкил қилган 10.500 АҚШ доллари ва 2.200.000 сўм пулларини фибрибгарлик йўли билан қўлга киритган.

Бундан ташқари, [REDACTED] 2022 йил июнь ойида Асака тумани, [REDACTED] худудидаги “Шарқ ҳақиқати” массивининг қишлоқ хўжалиги харитасининг 482-контуридаги 52 балл бонитенга эга бўлган суғориладиган экин ер майдонининг 0,062 гектар қисми [REDACTED] номига берилгани ҳақидаги расмий ҳужжат бўлган Асака тумани ҳокимининг 2021 йил 11 февралдаги 80-сон қарори ва унинг иловасини қалбакилаштирган.

Судланувчи [REDACTED] суд мажлисида, айбига тўлиқ иқроп бўлиб, 2021 йил апрель ойидан бошлаб, Асака тумани, Юқори бўз МФЙ, Шодлик кўчасида жойлашган Асака тумани, “Юлдузхон мева боғи” фермер хўжалиги фойдаланувидаги “Шарқ ҳақиқати” массиви қишлоқ хўжалиги харитасининг 479-контурининг суғориладиган ер майдонини 0,06 гектар қисмини ҳеч қандай ҳужжатларсиз, ўзбошимчалик билан эгаллаб олиб, 220 кв.мга қисмига ноқонуний қурилиш ишларини амалга оширгани, ушбу ер майдонига оиласи билан кўчиб чиққани, мазкур ер майдонини ҳеч кимдан сотиб олмагани, ер майдонининг ҳужжатлари мавжуд эмаслигини билдириб, оилавий шароитини, қилмишидан пушаймонлигини инобатга олиб, енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Судланувчи Х.Солиев суд мажлисида, айбига тўлиқ иқроп бўлиб, 2019 йилда Асака тумани, Юқори бўз МФЙ худудидаги “Шарқ ҳақиқати” массивидаги 1,30 га ер майдонини 49 йилга ижарага олгани, 2021 йили июнь ойида “Юлдузхон мева боғи” фермер хўжалигини балансида бўлган 0,07 гектар майдонини С.Миркомиловга 7.000 АҚШ долларига ҳужжатларини қилиб беришини айтиб сотиб юборгани, С.Миркомилов унинг гапларига ишониб, ер майдонига қурилиш ишларини амалга оширгани, 2021 йил июнь ойида Асака тумани ҳокимининг 2020 йил 19 сентябрдаги 623-сон қарори ва унинг иловасини сохталаштириб, ушбу қарорнинг иловасида С.Миркомиловга Асака тумани, Юқори бўз МФЙ, Ёшлар кўчасида 0,06 га ер майдони ажратилган қилиб кўрсатиб, ушбу сохта қарорни С.Миркомиловга бергани, 2024 йил март ойида С.Миркомилов у берган Асака тумани ҳокимининг қарори ва унинг иловаси сохта эканлигини айтиб, 7.000 АҚШ доллари миқдоридаги пулларини қайтариб беришини айтгани, ушбу қарорни бирон-бир ташкилотга тақдим қилмагани, ундан фойдаланмагани билдириб, ҳозирда етказилган зарар қопланганини, қилмишидан пушаймонлигини инобатга олиб, енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Судланувчи М.Кучкаров суд мажлисида, айбига тўлиқ иқроп бўлиб, 2016 йилдан буён Асака тумани, Юқори бўз МФЙ худудидаги “Шарқ ҳақиқати” массивидаги ташландиқ 0,06 га ер майдонини ҳеч бир ҳужжатларсиз эгаллаб, ушбу ер майдонини тозалаб ободонлаштириш ишларини олиб бориб, ер майдонига мевали дарахтлар экиб боғ қилиб фойдаланиб келгани, 2022 йил ўрталарида ер майдонини сотмоқчи бўлиб юргани, шунда Р.Рахимов ушбу ер майдонини сотиб олишини айтгани, сўнг унга ушбу ер майдонини 10.500 АҚШ долларига уни номига қонуний ҳужжатларини қилиб бериш шарти билан сотгани, дастлаб Р.Рахимовдан



8.000 АҚШ доллари миқдорида пулларни олиб, қолганини ер майдонини Р.Рахимовнинг номига кадастр хужжатларини қилиб берганидан сўнг олишга келишгани, орадан бир икки ой ўтиб пул керак бўлиб қолгани сабабли Р.Рахимовдан қолган пулларни ҳам беришини сўраганида, у ушбу ер майдонини хужжатларини сўрагани, сўнг Р.Рахимовга сотган ер майдонини уни номига хужжатлаштириш мақсадида атрофида яшовчи фуқароларнинг номига ер майдонига нисбатан Асака тумани ҳокимининг расмийлаштирилган қарорларини кўриб, телефонига “СамScanner” қилиб, ўзига тегишли бўлган компьютерда Асака тумани ҳокимининг 2021 йил 11 февралдаги 80-сон қарорини сохталаштириб, ушбу қарорни иловасида Р.Рахимовга сотган ер майдонини Р.Рахимовни онаси О.Рахимованинг номига берилган қилиб кўрсатиб, сохта қарорни Р.Рахимовга бергани, ушбу қарорни Р.Рахимовга бериб, унга сотиб олган ер майдонига қурилиш ишларини тезроқ амалга оширишни, агар тезроқ қурилиш ишларини тугатса унга кадастр хужжатларини қилиб беришини айтиб, бунинг учун ундан 2.200.000 сўм миқдорида пулларни олгани, лекин унга кадастр хужжатларини қилиб бермагани, ушбу қарорни бирон-бир ташкилотга тақдим қилмагани, ундан фойдаланмаганини билдириб, ҳозирда етказилган зарар қопланганини, қилмишидан пушаймонлигини инобатга олиб, енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Судланувчилар Н.Якубов, [REDACTED] ва М.Кучкаровлар айбига тўлиқ иқроор бўлиб кўрсатув беришган бўлсада, уларнинг айби:

-фуқаровий даъвогар вакили [REDACTED] суд мажлисидаги, 2023 йил 2 августдан буён Ўзагроинспекция Андижон вилоят бошқармасида бош мутахассис лавозимида ишлаб келиши [REDACTED] томонидан Асака тумани, Юқори бўз МФЙ ҳудудидаги “Юлдузхон мева боғи” боғдорчилик фермер хўжалигига тегишли ер майдони “Шарқ ҳақиқати” массиви қишлоқ хўжалиги харитасининг 479-контурида иссиқхона қилиб фойдаланиш учун ажратиб берилган 0,06 га. ер майдонининг майдонига 220 кв.мга қисмига ноқонуний уй-жой қурилиш ишлари амалга оширгани натижасида суғориладиган ер майдонларини қишлоқ хўжалиги муомаласидан чиқаргани, Андижон вилояти прокуратураси томонидан ушбу қурилиш ишларини амалга ошириш натижасида етказилган моддий зарарни аниқлаш бўйича талабнома чиқарилгани, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25.05.2011 йилдаги 146-сонли қарори билан тасдиқланган “Ер участкалари эгалари, фойдаланувчилари, ижарачилар ва мулкдорларига етказилган зарарлар, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариш нобудгарчиликларига, шунингдек ерларнинг қишлоқ хўжалиги муомиласидан чиқаришга сабаб бўлган ҳолларда етказилган зарар ўрини қоплаш тартиби тўғрисида”ги Низомда кўрсатилган етказилган зарарни ҳисоблаш формуласига асосан ҳисоблаганда 17 млн 834 минг 905 сўм зарар келтирилгани аниқлангани, [REDACTED] ер майдонидаги қурилиш ишларини яқунлаб бўлганидан сўнг хужжатларни белгиланган тартибда тайёрлаб олмоқчи бўлгани, [REDACTED] қурилиш ишларини амалга ошириш учун ушбу



фермер хўжалиги раҳбари ва бошқа шахслардан рухсат олмагани маълум бўлгани ҳақидаги;

-жабрланувчи [REDACTED] суд мажлисидаги, [REDACTED] 2021 йил баҳор ойларида сотмоқчи бўлган ер майдонини кўрсатиб 0,07 гектар эканлигини, ер майдонини 7.000 АҚШ долларига сотмоқчилигини маълум қилгани, унинг гапларига ишониб 7.000 АҚШ долларини бергани, орадан икки ой вақт ўтиб, [REDACTED] 2020 йил 19 сентябрдаги Асака туман ҳокимининг 623-қ-сон қарорини унга бериб, ер майдонига бетон қилишини, қолганини қилмай туришини, кейинчалик кадастр ҳужжатларини ҳам қилиб беришини айтгани, сўнг [REDACTED] сотиб олган 0,07 гектар ер майдонида қурилиш ишларини амалга оширгани, орадан бир неча ой ўтиб, ер майдонини кўриб келиш мақсадида келганида ер майдонига кадастр бўлими ходимлари келишиб далолатнома расмийлаштириб кетишгани, ҳозирда [REDACTED] томонидан етказилган зарар қоплангани сабабли унга нисбатан даъвоси йўқлиги ҳақидаги;

-жабрланувчи [REDACTED] суд мажлисидаги, 2022 йил ўрталарида акасига уй солиш мақсадида Асака тумани, [REDACTED] МФЙ ҳудудига боргани, у ерда М.Кучкаров ўзига тегишли бўлган ер майдонини сотиши ҳақида эшитгани, сўнг ер майдонини сотиб олиш мақсадида [REDACTED] билан кўришгани ва 6 сотихдан иборат ерни кўргани, у ерда бетон билан ўралган ва 1 хонадан иборат бетон қуйилган бўлгани, ушбу ер майдони унга маъқул келгани сабабли [REDACTED] 6 сотих ер майдонини 10.500 АҚШ долларига сотиб олгани, сўнг [REDACTED] 2021 йил 11 февралдаги 80-сон қарорини бергани, орадан бир икки ой ўтиб, М.Кучкаров сотиб олган ер майдонини ҳужжатлари тайёр бўлиб қолганини айтиб, бунинг эвазига 2.200.000 сўм пул беришини сўрагани ва унга ушбу пулларни ҳам бергани, сўнг у ерда қурилиш ишларини амалга оширгани, кейинчалик у ерга туман кадастр бўлими ходимлари келишиб, ушбу ер ноқонуний эгаллаб олинганини маълум қилишгани, ушбу ернинг ҳужжатлари ҳам бўлмаганини ва туман ҳокими қарори ҳам сохта эканлигини билгани, ҳозирда [REDACTED] томонидан етказилган зарар қоплангани сабабли унга нисбатан даъвоси йўқлиги ҳақидаги;

-гувоҳ [REDACTED] суд мажлисидаги, Асака тумани [REDACTED] маҳалла фуқаролар йиғини раиси бўлиб ишлаб келиши, Асака тумани, [REDACTED] “Шарк ҳақиқати” массиви ҳудудидаги қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган “Юлдузхон мева боғи” фермер хўжалигига қарашли бўлган қишлоқ хўжалиги харитасининг 479-контуридаги экин ер майдонига ўзбошимчалик билан 0,06 гектар ер майдонини эгаллаб, мазкур экин майдонининг 0,022 кв.м қисмига ноқонуний уй-жой бино иншооти қурганидан хабари бўлмагани, Юқори бўз маҳаллада ноқонуний қурилган уй-жойлар ҳақида тегишли органларга хабар беришмагани, ҳолат юзасидан [REDACTED] ва бошқа маҳалладаги қурилган барча ноқонуний уй-жойлар ҳақида ахборот беришгани ҳақидаги;



-гувоҳ Б.Жўраевнинг суд мажлисидаги, М.Кучкаровни таниши, М.Кучкаров 2016 йилдан буён Асака тумани, Юқори бўз МФЙ худудидаги ташландиқ ер майдонини ўзлаштириб ушбу ер майдонини ободонлаштириб, мевали дарахтлар экиб қараб келишидан хабари бўлгани, М.Кучкаров ушбу ер майдонини Р.Рахимовга 10.500 АҚШ доларига сотганидан ва ушбу ер майдонини Р.Рахимовнинг онаси О.Рахимованинг номига расмийлаштирилгани ҳақидаги Асака тумани ҳокимининг қарорини сохталаштирганидан хабари бўлмагани, кейинчалик М.Кучкаров унга ер майдонини сотганидан хабардор бўлгани ҳақидаги кўрсатувлари;

-шунингдек, суд мажлисида текширилган тушунтириш хатлари, гувоҳлар У.Назаров, Р.Якубов, Х.Солиев, С.Бадаловнинг дастлабки терговдаги кўрсатувлари, юзлаштириш баённомалари, мутахассис хулосалари ҳамда жиноят ишида мавжуд бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан ўз исботини топган.

Дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Н.Якубовнинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 229¹-моддаси 2-қисми билан тўғри квалификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 64-моддасида, агар ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этилган кундан бошлаб - икки йил ўтиб кетган бўлса, шахс жавобгарликдан озод қилиниши, жавобгарликка тортиш муддати жиноят содир этилган кундан бошлаб ҳукм қонуний кучга кирган кунгача ҳисобланиши;

ЖПКнинг 84-моддаси 1-қисми 1-бандида, шахсни жавобгарликка тортиш муддати ўтган бўлса, шахснинг жиноят содир этилишида айблилиги тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят иши тугатилиши лозимлиги белгиланган.

Иш ҳужжатларига кўра, Н.Якубов айбланаётган ЖКнинг 229¹-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 15-моддасига асосан ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар туркумига киради.

Шунингдек, Н.Якубов томонидан содир этилган жиноят 2021 йил апрель ойида содир қилинган бўлиб, у 2021 йил апрелдан 2024 йил декабрь ойига қадар тергов ва суддан яширинмаган. Мазкур жиноят иши бўйича Асака туман ИИБ тергов бўлими томонидан 2024 йил 31 июль куни иш қўзғатилган.

Суд, судланувчи Н.Якубовга нисбатан жиноят ишини тугатишга монелик қиладиган ҳолатлар аниқланмагани сабабли мазкур айблов эпизоди бўйича ЖКнинг 64-моддаси 1-қисми “а” бандига асосан жавобгарликдан озод қилиб, ЖПКнинг 84-моддаси 1-қисми 1-банди билан айблилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатишни лозим топди.

Дастлабки тергов органи томонидан Х.Солиев ва М.Кучкаровнинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 223-моддаси 3-қисми билан нотўғри квалификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 228-моддаси 3-қисмида, ҳужжатнинг қалбаки эканлигини била туриб, ундан фойдаланиш учун жавобгарлик белгиланган.



Қонун мазмунига кўра, ҳужжатнинг қалбаки эканлигини била туриб, ундан фойдаланиш - бу айбдорнинг ушбу ҳужжатдан келиб чиққан ҳуқуқларга эга бўлиш ёки мажбуриятлардан озод бўлиш учун қилган ҳаракатларидир. Фойдаланиш сиртдан қалбаки ҳужжатни намойиш этиш (кўрсатиш) ёки уни ташкилот ва алоҳида шахсларга ҳақиқийдек тақдим этиш (узатиш, юбориш) орқали ифода этилиши мумкин.

Суд мажлисида аниқланган ва иш ҳужжатлари билан тасдиқланган ҳолатларга кўра, Х.Солиев 2021 йил июнь ойида Асака тумани, Юқори бўз МФЙ ҳудудидаги “Шарқ ҳақиқати” массивининг қишлоқ хўжалиги харитасининг 480-контуридаги 52 балл бонитенга эга бўлган “Юлдузхон мева боғи” фермер хўжалигини балансида бўлган суғориладиган экин ер майдонининг 0,07 гектар қисми С.Миркомиллов номига берилгани ҳақидаги расмий ҳужжат бўлган Асака тумани ҳокимининг 2020 йил 19 сентябрдаги 623-сон қарори ва унинг иловасини қалбакилаштирган бўлиб, ушбу қалбаки қарорни намойиш этганини ёки уни ташкилот ва алоҳида шахсларга ҳақиқийдек тақдим этганини тасдиқловчи далиллар мавжуд эмаслиги аниқланди.

Шунингдек, М.Кучкаров 2022 йил июнь ойида Асака тумани, Юқори бўз МФЙ ҳудудидаги “Шарқ ҳақиқати” массивининг қишлоқ хўжалиги харитасининг 482-контуридаги 52 балл бонитенга эга бўлган суғориладиган экин ер майдонининг 0,062 гектар қисми Р.Рахимов номига берилгани ҳақидаги расмий ҳужжат бўлган Асака тумани ҳокимининг 2021 йил 11 февралдаги 80-сон қарори ва унинг иловасини қалбакилаштирган бўлиб, ушбу қалбаки қарорни намойиш этганини ёки уни ташкилот ва алоҳида шахсларга ҳақиқийдек тақдим этганини тасдиқловчи далиллар мавжуд эмаслиги аниқланди.

Судланувчилар Х.Солиев ва М.Кучкаров суд мажлисида, ушбу қарорни бирон-бир ташкилотга тақдим қилмагани, ундан фойдаланмаганини маълум қилишди.

Ушбу ҳолатда, Х.Солиев ва М.Кучкаровнинг ҳужжатнинг қалбаки эканлигини била туриб, ундан фойдаланган деб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 23-моддасида айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозимлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги қарорининг 5-бандида, судлар ҳукм ЖПКнинг 26,90 ва 455-моддалари талабига биноан фақат суд мажлисида текширилган ва суд мажлиси баённомасида ўз аксини топган далилларга асосланган бўлиши лозимлигини эътиборга олишлари кераклиги;

7-бандида, агар судланувчига бир неча жинойт содир қилганликда айб эълон қилинган бўлса, суд, бунга асослар мавжуд бўлганда, унга нисбатан битта ҳукм чиқариб, айбловнинг айрим эпизодлари бўйича судланувчини оқлаши, бошқаси билан айбли деб топиши мумкинлиги;



26-бандида, эълон қилинган айбловнинг (айблов эпизодларининг) бир қисми судда ўз тасдиғини топмаган тақдирда, айблов ҳукмининг тавсиф қисмида судланувчининг эълон қилинган айблов қисми бўйича оқланиши сабаблари келтирилиши, ҳукмнинг қарор қисмида, суд шахсни эълон қилинган айблов қисми (эпизодлари) бўйича оқлаш тўғрисидаги қарорни қонуннинг аниқ нормаларига ҳавола қилган ҳолда чиқарилиши ҳақида тушунтиришлар берилган.

Суд, судланувчилар Х.Солиев ва М.Кучкаровни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 3-қисми билан жиноий ҳодиса юз бермагани сабабли Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 83-моддаси 1-бандига асосан оқлашни лозим топади.

Дастлабки тергов органи томонидан судланувчилар Х.Солиевнинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “а” банди, 228-моддаси 1-қисми билан;

М.Кучкаровнинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “а” банди, 228-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 64-моддасида, агар ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этилган кундан бошлаб - икки йил ўтиб кетган бўлса, шахс жавобгарликдан озод қилиниши, жавобгарликка тортиш муддати жиноят содир этилган кундан бошлаб ҳукм қонуний кучга кирган кунгача ҳисобланиши;

ЖПКнинг 84-моддаси 1-қисми 1-бандида, шахсни жавобгарликка тортиш муддати ўтган бўлса, шахснинг жиноят содир этилишида айблилиги тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят иши тугатилиши лозимлиги белгиланган.

Иш ҳужжатларига кўра, Х.Солиев айбланаётган ЖКнинг 228-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 15-моддасига асосан ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар туркумига киради.

Шунингдек, Х.Солиев томонидан содир этилган расмий ҳужжатни қалбакилаштириш жинояти 2021 йил июнь ойида содир қилинган бўлиб, у 2021 йил июндан 2024 йил декабрь ойига қадар тергов ва суддан яширинмаган. Мазкур жиноят иши бўйича Асака туман ИИБ тергов бўлими томонидан 2024 йил 31 июль куни иш қўзғатилган.

Бундан ташқари, М.Кучкаров айбланаётган ЖКнинг 228-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 15-моддасига асосан ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар туркумига киради.

Шунингдек, М.Кучкаров томонидан содир этилган расмий ҳужжатни қалбакилаштириш жинояти 2021 йил баҳор ойларида содир қилинган бўлиб, у 2021 йил баҳор ойларидан 2024 йил декабрь ойига қадар тергов ва суддан яширинмаган. Мазкур жиноят иши бўйича Асака туман ИИБ тергов бўлими томонидан 2024 йил 31 июль куни иш қўзғатилган.

Суд, судланувчилар Н.Якубов ва М.Кучкаровга нисбатан жиноят ишини тугатишга монелик қиладиган ҳолатлар аниқланмагани сабабли мазкур айблов эпизоди бўйича ЖКнинг 64-моддаси 1-қисми “а” бандига асосан



жавобгарликдан озод қилиб, ЖПКнинг 84-моддаси 1-қисми 1-банди билан айблилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатишни лозим топди.

Аниқланган ҳолатларга кўра, Х.Солиев 2021 йил июнь ойида С.Миркомиловни алдаш ва ишончини суиистеъмол қилиш йўли билан унга Асака тумани, Юқори бўз МФЙ ҳудудидаги “Шарқ ҳақиқати” массивининг қишлоқ хўжалиги харитасининг 480-контуридаги “Юлдузхон мева боғи” фермер хўжалигини балансида бўлган суғориладиган экин ер майдонининг 0,07 гектар қисмини 7.000 АҚШ доллари (1 АҚШ долларининг сўмга нисбатан қиймати 11.460 сўм бўлиб, 7.000 АҚШ доллари 80.220.000 сўмни ташкил қилади) сотиб юбориб, унинг анча миқдордаги пулларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритган.

Шунингдек, М.Кучкаров 2022 йил июнь ойида Р.Рахимов алдаш ва ишончини суиистеъмол қилиш йўли билан унга Асака тумани, Юқори бўз МФЙ ҳудудидаги “Шарқ ҳақиқати” массивининг қишлоқ хўжалиги харитасининг 482-контуридаги суғориладиган экин ер майдонини 0,062 гектар қисмини кадастр ҳужжатларини қилиб беришини айтиб, алдаб, унинг кўп миқдордаги 120.624.000 сўмни ташкил қилган 10.500 АҚШ доллари ва 2.200.000 сўм пулларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида, давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги;

ЖКнинг 8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 1-бандида, судлар жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилиниши лозимлиги;

3-бандида, жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши — ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Суд, судланувчи Х.Солиевга жазо тайинлашда, унинг айбига иқрор ва қилмишидан пушаймонлигини, шахсини, муқаддам судланмаганини, ёшини, оилавий шароитини, муқаддам судланмаганини, жиноят оқибатида етказилган моддий зарар қопланганини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида баҳолаб, модда санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни;

-судланувчи М.Кучкаровга жазо тайинлашда, унинг айбига иқрор ва қилмишидан пушаймонлигини, шахсини, муқаддам судланмаганини, ёшини,



оилавий шароитини, жиноят оқибатида етказилган моддий зарар қопланганини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида баҳолаб, модда санкциясида белгиланган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни;

-фуқаровий даъвогар вакилига жиноят оқибатида етказилган моддий зарарни ундириш юзасидан тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда фуқаролик судига мурожаат қилиши мумкинлигини тушунтиришни;

-жабрланувчилар С.Миркомиллов ва Р.Рахимовларга жиноят оқибатида етказилган моддий зарар қопланганини инобатга олишни лозим топади.

Суд, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 454-457, 460, 463, 465-468, 471, 473-моддаларига асосланиб

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Якубов Нодирбек Рустамбекович (Yaqubov Nodirbek Rustambekovich), Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 229¹-моддаси 2-қисми билан Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 1-қисми 1-банди билан айблилиқ тўғрисидаги масала ҳал қилинмай туриб жиноят иши тугатилсин.

Н.Якубовга нисбатан қўлланилган муносиб ҳуққ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргунига қадар ўзгаришсиз қолдирилсин.

Солиев Хурсанали Козимжонович (Soliev Xursanali Kozimjonovich) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 3-қисми билан жиноий ходиса юз бермагани сабабли оқлансин.

Солиев Хурсанали Козимжоновичга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 1-қисми билан Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 1-қисми 1-банди билан айблилиқ тўғрисидаги масала ҳал қилинмай туриб жиноят иши тугатилсин.

Солиев Хурсанали Козимжонович Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “а” банди билан айбдор деб топилсин.

Х.Солиевга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “а” банди билан иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил 6 (олти) ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Жазо мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган жойларда ўтатирилиб, муддати у жазони ўташ учун юборилган корхона, муассаса ва ташкилотда иш бошлаган кундан ҳисоблансин.

Ҳукмни ижро этиш Асака туман ИИБ Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Х.Солиевга нисбатан қўлланилган муносиб ҳуққ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргунига қадар ўзгаришсиз қолдирилсин.



Кучкаров Мамиржон Махаммаджонович (Kuchkarov Mamirojon Maxammadjonovich) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 3-қисми билан жиноий ҳодиса юз бермагани сабабли оқлансин.

Кучкаров Мамиржон Махаммаджоновичга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 1-қисми билан Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 1-қисми 1-банди билан айблилик тўғрисидаги масала ҳал қилинмай туриб жиноят иши тугатилсин.

Кучкаров Мамиржон Махаммаджонович Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “а” банди билан айбдор деб топилсин.

М.Кучкаровга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “а” банди билан иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Жазо мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган жойларда ўтатирилиб, муддати у жазони ўташ учун юборилган қорхона, муассаса ва ташкилотда иш бошлаган кундан ҳисоблансин.

Ҳукми ижро этиш Асака туман ИИБ Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

М.Кучкаровга нисбатан қўлланилган муносиб ҳуқуқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргунига қадар ўзгаришсиз қолдирилсин.

Жабрланувчилар С.Миркомиллов ва Р.Рахимовга жиноят оқибатида етказилган моддий зарарлар қоплангани инобатга олинсин.

Фуқаровий даъвогар вакилига жиноят оқибатида етказилган моддий зарарни ундириш юзасидан тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда фуқаролик судига мурожаат қилиши мумкинлиги тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган, судланувчилар, жабрланувчилар ва фуқаровий даъвогар вакили ҳукмнинг нусхасини олган кундан бошлаб, ўн сутка ичида шу суд орқали Андижон вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят, протест ёки ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг кассация тартибида шикоят, протест беришлари мумкин.

Раислик қилувчи:

/имзо/

Ш.Раимова

Ҳукмнинг нусхаси аслига тўғри,

Судья:

Ш.Раимова

